

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 25 июнь, чоршанба

№51 (11.542)

Эркин нарҳда сотилади

Галла - 2003

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Куйичирчиқ туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги галлакорлари давлатга дон топшириш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб тўрт кунда бажардилар

Хўжаликда ҳар бир комбайннинг кунлик ўрм суръати ўртача 23 гектарданга тўғри келди. Шундай қилиб, навоийликлар режани 21 июнь кунини адо этдилар. Давлатга 510 тонна ўрнига 515 тонна галла топширилди. Хўжалик бўйича ўртача ҳосилдорлик 52 центнер бўлди. Омонгелди Мусаев, Валерий Тхай бош бўлган пудратчилар гектардан 60-62 центнердан хирмон кўтардилар. Кейинги йилларда хўжаликда фақат «Андижон» навли чиллаки буддой экилмоқда. Бу бежиз эмас. Мақсад — ҳосилни барвақт йиғиш-

тириб олиб, ўрнига шולי экиш. Бу биринчидан, алмашлаб экиш тизимини тақомиллаштириш имконини берса, иккинчидан, бир ердан икки марта ҳосил олиб, даромадга ҳам барака киритади. Айни кунларда галладан бўшаган майдонлар пешмаш шугорланиб, пол олиб, сув қўйилиб, кимёвий ишлов берилган сифатли шולי уруғи сепилмоқда.

СУРАТДА: хўжалик галлазориди.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



Вена декларациясининг ўн йиллигига бағишланди

Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Жаҳон конференцияси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Харакат дастури қабул қилинганга ўн йил тўлди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Халқаро Бизнес марказида «Вена декларацияси ва Харакат дастури ва Ўзбекистон Республикаси» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мазкур анжуман Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ташкил этилди.

Илмий-амалий анжуманда Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Харакат дастурининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, Ўзбекистон ўз зиммасига олган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, рағбатлантириш ва химоя қилиш борасида тўплаган миллий тажриба ва бу жаҳадаги ҳамкорлик истиқболлари ҳусусида сўз борди.

(У.А.)



НУРОНИЙЛАР УЧУН ЯНГИ ШИФОХОНА

Юқоричирчиқ туманининг Аҳмад Яссавий номли хўжалигида қариялар учун мўлжалланган «Нуроний» шифохонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров, вилоят ҳокими Умнат Мирзақуллов ҳамда вилоят ва туман ҳокимлиги мутасаддилари, шунингдек, юқоричирчиқлик кексалар иштирок этдилар.

Очилиш рамзи бўлган тасма кесилди. Тадбирга йиғилганлар янги шифохонани кўздан кечирдилар. — Ушбу шифохонада бир йўла 40 нафар кексалар даволанишлари учун шарт-шароитлар етарли,

— деди туман соғлиқни сақлаш бўлимининг раҳбари Нодир Утегенов. — Бу ерда йигирма турдаги муолажа амалга оширилади. Дарҳақиқат, «Нуроний»да барча имкониятлар етарли. Режалар эса ўз ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Йигирма беш йилдан буён қаровсиз ётган бино қайта таъмирланди. Бунинг учун қарийб 30 миллион сўм маблағ сарфланди. Тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозларга эса 20 миллион сўмга яқин маблағ керак бўлди. Тумандаги вилоят физиотерапия шифохонасидан чикувчи

шифобахш ичимлик суви қувурлар орқали олиб келинди. — Шифохонамизда кексалар учун дори-дармондан тортиб, бошқа муолажаларнинг бари бепул, — дейди шифохона бош шифокори Дониёр Икромов. — Бу ерда дам олиш санаторийси сифатида ҳам шароитлар муҳайё этилган. Шифохона олдидаги соя-салқин маскан ҳамда катта фаввора одамлар қалбига оройиш олиб кириши шубҳасиз. Шифохонада қирқ нафар ҳамшира ва уч нафар шифокор беморлар хиз-

матида бўлишади. Очилиш маросимига йиғилганлар мазкур маскан билан ҳар томонлама танишдилар. Туман кексалари учун дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Қуни кеча шифохона дастлабки даволанувчиларни қабул қилди.

Равайн ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: янги шифохонанинг умумий кўриниши ва дастлабки қабул.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Болалар спортига эътибор

БИЗГА БУГУН ФИДОЙИЛАР КЕРАК

Қуни кеча вилоятда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий, қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосарлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят, шаҳар, туман бўлиmlари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Умнат Мирзақуллов бошқарди. Йиғилишни очар экан, вилоят ҳокими шундай деди: «Биз бугун Тошкент вилоятда болалар спортини ривожлантириш бўйича белгилаб олинган тадбирларнинг ижроси, амалга оширилган ишларни таҳлил этишимиз, ҳулоса чиқаришимиз ва олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олишимиз зарур. Чунки, бу масала мамлакатимизда

жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ишдир».

Йиғилиш айнан шу руҳда ўтди. Кун тартибидagi масала юзасидан ахборот берган вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуқарим Раҳимбердиев жойларда болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни, вилоятда ушбу масала юзасидан илгари бўлиб ўтган мажлисларда кун тартибига қўйилган вазифалар қай даражада ижро этилаётганини чуқур таҳлил этиб берди.

Хўш, Тошкент вилоятда Республика Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу фармон ижросига қаратилган қарори эълон қилингандан буён нималар қилинди, қандай тадбирлар белгиланди ва нималар режалаштирилмоқда? Ушбу саволга жавоб тариқасида шуни айтиш мумкинки, вилоятда биринчи навбатда жамғарманинг вилоят бўлимининг шакллантириш, унинг иқтисодий аҳолини мустаҳкамлашга эришилмоқда. Айни

(Давоми 4-бетда).

Олмаликдаги «Аммофос» очик акциядорлик жамияти минерал ўғитни уч килограммлик полиэтилен қопчаларда қадоқлаб савдога чиқармоқда.

«АММОФОС» АҲОЛИГА

— Фосфорли ўғит экиннинг ўсиши, айниқса, ҳосилдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга, — дейди корхона бош муҳандисининг ишлаб чиқариш бўйича муровини Баҳодир Содиков. — Бироқ томорқа хўжалиги эгалари уни қаёқдан олишни билмай боши қотарди. Шунини эътиборга олиб, қадоқлаш линияси ўрнатилди. У оймага юз тонна аммоний фосфат қадоқлаш қувватига эга.

Олмалик қимёгарлари азотли ўғитлар туркумига кирувчи сульфат аммонийни ҳам қадоқламоқчи. Айни чоғда чорва моллари ҳамда паррандалар учун озқазиб аммоний фосфат ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилаётган.

Корхонада тайёрланаётган ёғоч толали плита, майдаланган олтингургурт, электрод каби истеъмол моллари ённга қўшилиётган бундай харидоригр махсусотлар қимёгарлар даромадини кўпайтирмоқда. Илмининг ўтган беш оий мобайнида бу ерда ўн миллион сўмликдан зиёдрок истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Республика Фан ва технологиялар маркази томонидан фундаментал тадқиқотлар давлат илмий техник ҳамда инновация дастурлари доирасида олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот институтларида грант тизими асосида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг амалга оширилишига қаратилган мониторинг ўтказилмоқда.

СУВДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИНГ

Грант тизими орқали республикамизда илмий фаолиятни янада тақомиллаштириш ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида белгиланган устивор йўналишларни амалга ошириш вазифаси муҳим ўрин тутаяди. Бу борада Сув муаммолари институтиди ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Мамлакатимизда сувдан оқилонга фойдаланиш устивор йўналишлардан биринчидир, — деди Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институтиди директори Эрназар Маҳмудов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Институтда айнан сув тежамкорлиги бўйича грант тизимида илмий-тадқиқотлар олиб бориляпти. Грант тизимининг биринчи босқичида давлат буюртмаси асосида 17 та ва 13 та халқаро лойиҳалар молиялаштирилди. Грант тизимини мониторинг йўли билан ўрганиб чиқиш орқали барча илмий-тадқиқот институтларида илмий фаолиятни янада чуқурлаштириш ва янги босқичга кўтариш масаласи қўриб чиқилмоқда. Шунингдек, бу борадаги муаммоларни бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Э. Маҳмудовнинг таъкидлашича, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, сув билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда янги илмий технологияларни жорий қилиш, нафақат илм-фанни юксалтиришга, балки кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, сув муаммоси маъжуд ҳудудларда грант тизими билан амалиётга татиқ этилаётган илмий тадқиқотлар иқтисодий тизим учун катта фойда келтириши аниқ.



Барот БОЙҚОБИЛОВ
Ўзбекистон халқ шоири

ХУРРИЯТ ВА РУҲИЯТ

ЗАМОНАМИЗНИНГ машҳур мантиқшуноси айтганидек, похолдан қаср кўриб бўлмайди. Дарҳақиқат, коллективизм ниқоби остида шахсиятлари бўғилиб, зўраки тўдаларга уюштирилган, жамиятнинг итоат-

кор мурватларига айлантирилган бизларнинг похолдан фарқимиз қолмаган ҳам эди. Шу ҳолимизда мухташам қаср тугул одмигина иморат қуришга ҳам ноқобил эдик, десак муболага бўлмайди.

(Давоми 3-бетда).

27 июнь — Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин

ЭФИРДА ТТҮ

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда оммавий ахборот воситалари — газета, журнал, радио ва телевидениенинг ўзига ҳос ўрни бор.

Телевидение ҳақида сўз кетганида шуни айтиш мумкинки, ушбу ахборот тарқатиш воситаси халқни аниқ тасвирлар орқали ишонтириш кучига эга.

Хўш, телевидение бугун ўзидаги бор имкониятлардан фойдаланиб, халқнинг масаладошига айлана олаётими? Бунда Тошкент телеканали, ундаги кўрсатувларнинг мазмун-моҳияти ва мақсади эътиборга молиқдир. Тошкент телеканали (ТТҮ) ташкил топгандан буён қарийб олти йилдан ортиқ вақт ўтди. Унинг ижодкорлари шу йиллар мобайнида изланиш, ривожланиш ва шаклланиш йўлидан боришди. Айни кунда ТТҮда юздан зиёд ходим меҳнат қилиб, улар томонидан пойтахт ва пойтахт вилояти аҳолисига йигирмага яқин кўрсатувлар тақдим этилмоқда. Ушбу кўрсатувларнинг аксарияти вилоятимизнинг узок ва яқин қишлоқларидан, республи-

кага донғи кетган шаҳарларимиздан тайёрланмоқда.

Телеканалда, айниқса, «Пойтахт» ахборот кўрсатувининг ўрни алоҳида.

У пойтахт ва Тошкент вилоятидан турфа аниқликлар, хабарларни халққа тезкор

етказишга ҳаракат қилади. — Вилоят ҳақида сўз кетганда, шуни айтиш мумкинки, унинг узок шаҳар ва туманлари ҳисобланган Ангрэн, Бекобод, Бўстонлиқдан хабарлар тайёрлаш билан чекланиб қолмасдан, балки, у ердаги воқеаларни шарҳлаш, таҳлилий ва танқидий руҳдаги чиқишлар қилинмайдими, —

(Давоми 2-бетда).



27 июнь — Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

Мулоҳаза

ДИЛЛАРГА ЙЎЛ ТОПАР ҲАР СЎЗ

— Олмалиқдан гапираемиз.
— Эфирда — Ангрэн янгиликлари.
— Сиз Бекобод ахборотлари билан танишасиз...

Вилоятимиз шаҳарларида бўлганинда, «Зангори экан»лардан янграётган шу каби сўзларни эшитиб, беихтиёр бутун вужудингни гурур қамраб олади. Йирик санаот шаҳарларида маҳаллий, хусусий, нодавлат телевидение кўрсатувлари йўлга қўйлаётганлиги, аҳолининг ахборотга булган эҳтиёжини қондириш, истиқлол гоёларини кенг тарғиб қилиб, янги таваққурни шакллантириш, баркамол инсонларни тарбиялашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда 27 та вилоят, шаҳар ва туман газеталари чоп этилаётди. Уларнинг бир галги нухаси 70 мингдан ортиқ. Қатор шаҳар ва туман газеталари саҳифаларида янгилаётган жамиятимизда ислохотларнинг амалга оширилиши, миллий истиқлол мафкурасининг фуқаролар онгига синдириш ва асл ватанпарвар инсонларни тарбиялаш жараёнлари кенг ёритилаётганлиги диққатга сазовордир.

Ҳозирда вилоятимизда 10 та давлат, 15 та хусусий, аралаш мулкчилик шаклидаги босмаҳоналарда матбаа маҳсулотлари чиқарилоқда. Янги йўл шаҳар фабрикасида китоблар сифати тобора яхшиланяпти. Уртачирчиқ тумани, Ангрэн, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларининг босмаҳоналарида технология ускуналарини янгилаш изчил олиб борилаётди.

Мустақил Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимият даражасига босқичма-босқич кўтарилиб бормоқда. Бу жараёнда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган теле ва радио студиялари, маҳаллий газеталарнинг ўз овози, ўз ўрни ва салмоғи бор.

Қасб байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!



дейди кўрсатув бош муҳаррири Раҳматжон Бўрибоев. — Ундан ташқари кўрсатувларда муносабат билдириш, фикр-мулоҳазаларни баён этиш ривожланиб бормоқда. Шу ўринда телеканалдаги «Пойтахт шарҳи» кўрсатуви ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим. Ушбу кўрсатув турли соҳалар, улардаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида фикр юртади.

— Телеканалдаги кўрсатувлар орасида яна «Тошкент ва тошкентликлар», «Аёл қалби», «Саодат қалити», «Нима учун», «Шунақа гаплар» номли кўрсатувларни алоҳида таъкидлаш мумкин, — дейди Тошкент телеканали директори Неймат Саидхонов. — Биргина «Нима учун» кўрсатувини олиб кўринг. Ушбу кўрсатув бугунги кунда жамиятда, айниқса, халқ орасида баъзи норозилик ва турли гап-сўзларга сабаб бўладиган воқеаларни ўзида акс эттириб, унга ечим излашга ҳаракат қилади. Яқинда ушбу кўрсатув орқали Тошкент туманида ичимлик суви муаммоси кўтарилди. Бу танқислик халқнинг норозилигига сабаб бўлаётганлиги, уни баргараф этиш учун ҳеч ким

бош қотирмаётганлиги танқид остига олинди. Бундай муаммоли масалалар ушбу кўрсатув ижодкорларининг доимий эътиборида бўлади. Телеканалдаги ҳар бир кўрсатувининг мана шундай аниқ мақсади ва йўналиши белгилаб олинган. Бу ютуқлар замирида эса телеканал ижодкорларининг меҳнати ва уларнинг саъй-ҳаракати, изланишлари ётибди. Бош режиссёр Хусниддин Эргашев, муҳаррири Нарғиза Эргашева, Асқар Холиқов ва бошқа ходимлар телеканалда ўзининг

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭФИРДА ТВ

га хос ўринларга эгалар. Шунингдек, телеканал ижодкорлари бугун Президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг жойларда қай даражада амалга оширилётганига ҳам катта эътибор бермоқда. Хусусан, «Обод маҳалла йили» давлат дастури, болалар спортини ривожлантириш ва бошқа муҳим соҳалар телеканалнинг доимий эътиборида.

Равайн ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.
Даврон АҲМАД олган суратлар.



бош қотирмаётганлиги танқид остига олинди. Бундай муаммоли масалалар ушбу кўрсатув ижодкорларининг доимий эътиборида бўлади. Телеканалдаги ҳар бир кўрсатувининг мана шундай аниқ мақсади ва йўналиши белгилаб олинган. Бу ютуқлар замирида эса телеканал ижодкорларининг меҳнати ва уларнинг саъй-ҳаракати, изланишлари ётибди. Бош режиссёр Хусниддин Эргашев, муҳаррири Нарғиза Эргашева, Асқар Холиқов ва бошқа ходимлар телеканалда ўзининг



Эхтиром

МАТБУОТИНИНГ ЕТМИШ ЙИЛЛИК МУҲЛИСИ

Бу отахонинг газетамизда эълон қилинган турли мавзудаги мақола-лари орқали яхши билардим. Ота асли оҳангаронлик бўлиб, ҳозир ҳам жамоат ишларида фаол эканликларидан ҳам хабардор эдим. Эшитишимча, у киши бир вақтлар туман газетасида ҳам ишлаган эканлар.

Яқинда отахон тахририятимизга ташириб буюрдилар. Ёшлари биз ўйлагандан ҳам улуг экан. Саксон беш ёшларида ҳам дадилликларини кўриб, очиги, ҳавасимиз келди, гурунгимиз ўз-ўзидан бобонинг болалик ва ёшлик хотираларига уланиб кетди.

— Облик қишлоғида дунёга келганман, — деди Теша ота Шералиев. — Отадан жуда барвақт етим қолдим. Қийинчилик, очарчилик даври бўлсада, ўқидим, билим олдим. Бизга мактабда кейинчалик таниқли адиб бўлиб

етишган Йўлдош Шамшаров ўзбек тили ва адабиётининг дарс берган. Эҳтимол шу марҳум ўқувчим сабабидир мухбирликка болаликдан қизиқдим. Домла ўша даврдаги республика, вилоят нашрларини топиб бизга ўқиб берар, тушунтирар, янгиликларни ёзишга ҳавас уйғотар эди.

— **Демак, ижодингизни туман рўзномасида бошлагансиз, шундайми?**

— Тўппа-тўғри. Ўша пайтда «Қурама ҳақиқати» деб номланган ҳозирги «Оҳангарон» туман газетаси 1932 йил 14 январидан чиқа бошлади. Унинг дунёга келишида менинг ҳам ҳиссам борлигидан фойдаланганман. Меҳнат фаолиятимни шу газетанинг хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудирлиги сифатида бошлаганман. Урушдан аввалги йилларда газета Тошкентда чоп этиларди. Ҳафтасига икки марта шаҳарга — Эскижўвадаги босмаҳонага қат-

нардим.

— **Мухбирлигинг машаққатини тоза тортган экансиз-да.**

— Бир ишга қизиққан одамга унинг оғир-енглиги билинмас экан.

— **Тахририятда кўп ишлагингизми?**

— Урушга кетгунимча. 1942 йилнинг март ойида фронтга жўнадим. Тақдир Кавказ фронтига йўллаган экан. 418-ўқчи полкда хизмат қилдим. 1943 йилнинг март ойида яраланиб госпиталга тушдим. Даволанганча, мени уйга қайтаришди. Лекин, қаерда, қайси соҳада фаолият кўрсатмай, матбуотдан узоқлашмадим. Етмиш йилдирки, семимли газетам «Тошкент ҳақиқати» ва бошқа нашрларда турли мавзудаги мақола ва хабарларим билан қатнашиб келяпман. Хуллас, матбуот жон-дилим, ҳаётим мазмуни.

Теша ота Шералиев суҳбатимиз давомида мустақилликнинг халқимизга берган бебаҳо инъомларни, яратган имкониятлари ҳақида тўлқинланадиган сўзлашди. Ҳаммамиз унинг қадрига етишимиз, асрашимиз ҳам қарз, ҳам фарз эканини таъкидлашди. Сўнгги пайтларда амалга оширилаётган яхши ишларни бирма-бир санаб, шу кунларга етганларига шукроналик билдирдилар. Сўнг бизга эзгу ниятлар билдириб, самимий хайрлашдилар.

Равайн БОБОМУҲАМЕДОВ.

Туман матбуоти

«ИСТИҚБОЛ»НИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Кейинги пайтларда Зангиота тумани «Истиқбол» газетасининг сўнги саҳифасида «Тахририят компьютерида териб, саҳифаланди» деган қайд бўлди. Қисқа муддатда унинг шакл-шамойили кескин яхшиланди. Нашр сифати кўтарилди, безаклари кўрими, жожибаи, расмлари тиник, ҳарфлари аниқ бўлиб қолди. Табиийки, газетанинг полиграфик ижросидаги бу ўзгариш муштарийлар сифи ўсишига ҳам олиб келди.

Газетанинг катта-кичиги бўлмайдиган. Ҳаммаси бирдек: босма сўз ўз қудратига эга. Фақат бунинг бир шари бор: у ҳам бўлса фақат ҳақиқатни «сўзлаш» керак.

«Истиқбол» чоп этаётган қизикари саҳифалар, турли ружнлар, мақолалар, ислохотларнинг бориши, ҳамқишлоқлар қувонч ва ташвишлари, бугунги кунда катта-кичиги ўйлангандан муаммолар, хуллас, серкирра ҳаётимизда кечаётган жараёнлар муайян даражада ўз ифодасини топмоқда.

— Газета саҳифалари фақат кундалик воқеа-ҳодисалар ва бошқа тадбирлар туркумларидан иборат бўлиши керак эмас. Матбуот ходимлари асосий эътиборини, аввало, долзарб масалаларга қаратишлари, ҳаётимиз муҳим муаммолар хусусида бахс-мунозаралар юритишлари, кишиларни фикрлашга ўргатишлари лозим, — бу, газета муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисига аъзоси Абдусаттор Хатамов мулоҳазаларидир.

Саҳифаларни арақлайми: «Маҳалла», «Синфдош», «Дилбар», «Оила, ахлоқ, одоб», «Саломатлик ҳақида суҳбатлар»...

Улар қандай масалаларга бағишлангани номларидан маълум. «Ер умри. Уни беҳуда ўтказиш чўнтакка зиён эмасми?», «Табиий газ — бойлигимиз. Ундан тежаб

фойдаланиш ва ҳақини вақтида тўлаш истезмоличи манфаатларига хизмат қилади», «Бебоб болалар. Улар қандай пайдо бўляпти?» — булар муаммоли мақолаларидир.

Матбуотда танқид доим таъсирчан восита бўлиб келган. Айниқса, туман матбуотида бу — «нозик» масала. Чунки, ҳудуд нисбатан кичик. Журналист танқид қилган «қахрамони» билан бугун бўлмаса, эртага учрашади, мулоқот-муносабатда бўлади. Шунда унинг кўзига тик боқа олиши керак. Шунга қарамай, «Истиқбол» саҳифаларида бундай материаллар анчагина.

«Харобага айланган «Кўёшча», «Саводсизлик кўргазмаси», «Соғлиқ йўлидаги гов» сарлавхали мақолалар яхшигина таъсир кучига эга бўлди. Аввало, далил ва фикрларнинг ҳолислиги тўғрисида эришилган мақолада. Газета қизиқларининг самараси сифатида жойларда камчилик ва нуқсонлар бартараф этилмоқда, шунга яраша муҳарририятга расмий жавоблар ҳам келяпти.

«Истиқбол»ни пойтахтликлар ҳам ўқийди. Негаки, туман билан шаҳарни биргина халқа йўли ажратиб туради. Қўпбал тошкентликлар қишлоқларда ишлабди. Газетанинг буна бўлишга, уни туман марказидаги алоқа тармоғи абонент қўтиларидан олишга тўғри.

Жўрабек МУРОДОВ.

«ДАВР ОВОЗИ»



Кибрай туманининг ижтимоий-сиёсий нашри ҳисобланган «Давр овози» газетаси бу йил 70 ёшга тўлади. У шу йиллар ичида туманда юз берган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар ҳақида ўз саҳифаларида турфа хил мақола-лар ва бошқа турли соҳаларга оид мазмунда қизиқлар қилди. Айни кунда ҳам тахририят ижодкорлари бугунги куннинг руҳида, истиқлол, унинг қадр-қиммати ҳақида, шунингдек, туманининг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда эришаётган ютуқлари хусусида туркум мақолалар бериб, ўз мақсадлари йўлида қатъият билан фаолият кўрсатмоқдалар.

Газета жамоатчи мухбирлар билан самарали ижодий ҳамкорлики йўлга қўйган. Абдухошим Жаҳонгиров, Рўзимат Даминов, Сайдали Мирзалиев, Шоира Қурбонова ва бошқалар ўзларининг мазмуни ҳамда қизиқарли мақолалари билан газета саҳифаларида мунтазам иштирок этиб келмоқдалар.

Ҳозирда «Давр овози» тахририяти қошида «Нихол» ёш ижодкорлар уюмисига фаолият кўрсатмоқда. Унда қибрайлик 30 нафардан зиёд бўлажак журналистлар ўз қаламларини чарқлаб бормоқдалар.

СУРАТДА: газета бош муҳаррири Абдуҳамид Фозилов (чапдан иккинчи) ҳамда тахририят ижодкор ходимлари.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ГАЗ ҚУВУРЛАРИГА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Корхоналар, ташкилотлар, ширкат хўжаликлари раҳбарлари, уй-жой эгалари эътиборига

Тошкент вилояти ҳудудидан ўтадиган газ қувурлари тармоқлари шикастланишига йўл қўймастик, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, газ таъминоти узлуксиз бўлишини таъминлаш учун газ тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларига сўзсиз риоя этинг.

розилигини олишингиз лозим. **Бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш мақсадларида қуйидагилар қатъий тақиқланади:**

- шаҳар-туман газ идораларининг розилигини олмай газлаштирилган объектларни бузиш;
- ишлаб турган газ қувурларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш;
- газ қудуқларига тушиш,

ГТП (газ тақсимлаш пунктлари) эшикларини очиш ва ичига кириш;

- газ қувурларидаги қўлфи арматураларини очиш ва ёпиш ёки ГТПда қандайдир ҳатти-ҳаракатлар қилиш;
- газ қувурлари ўтадиган жойларга, ГТП минтақасига ахлат тўкиш, уни ёқиш.

Пикет устунчалари, деворий белгилар, ер ости газ қувурларининг уланган жойларига эҳтиёткорлик билан муноса-

батда бўлиш.

Ташқарида жойлашган газ қувурлари ва уларнинг тиргақларини шикастланишдан сақлаш.

Газ тармоқларининг бир маромда ишлашига путур етказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини унутманг!

«Тошвилояттехгаз» шўба корхонаси.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Тошкентда АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳам АКСЕЛС ташкилоти томонидан АҚШ ҳукумати-нинг таълим алмашинуви дастурлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Ҳар йили 200 нафардан зиёд талаба АҚШнинг нуфузли олий ўқув юрталарини тугатиб ортимизга қайтади. Ушбу меҳнат ярмаркаси ҳам ёшларнинг уммон орти мамлакатда оширган билим таърибаларидан самарали фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Икки йилдан буён ўтказилаётган мазкур меҳнат ярмаркасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган йирик компаниялар вакиллари иштирок этидилар.

Анжуманда қўшма корхоналар ходимлари ўз фаолиятлари ҳақида маълумот бериб, ишчи-хизматчиларга қўйилаётган талабларни таъкидлаб ўтдилар.

«Туркистон-пресс».

Рустам ҚОСИМОВ.



Собиқ СССР — биз ўзбекининг бир неча авлодининг кечирган умри, тарихи. Тан олишимиз керак — унда камсукум, ланж одам эхтиёжларини қолмагудек нарса мўҳайё эди — оч қолмагудек ёмиш, кўчада қолмагудек бошлана, бир қадар маданият, бир қадар маънавият, бир қадар табиий хизмат ва ҳоказо. Ва бутун тузум, бутун ҳаёт инсоният учун яралгандан бери армон бўлиб келган ақида ва гоғлар йўғрилган эди. Ялпи саводхонлик, тенг ҳуқуқлилик, илгор маънавият, юксак маданият, порлоқ келажак — бундай широрлар қай тирик жонни ром этмасди? Улар жозибасига урилиб, қуйиб кул бўлган миллат ёлғиз биз эмас эдик.

Шукурки, Аллоҳ тасло бизларга мустақиллик киманларини парчалаб, асрий отаморос қарам қисматимизга ўзгартиш киритиш, муносиб истиқболга пойдевор ташлаш бахтини раво қилиб турибди. Шонли ўтмишимиз, умидли келажакимиз ҳақиқат биз бу ягона ва сўнгги имкониятни бой бермаслигимиз, ундан тўла фойдаланишимиз керак. Акс ҳолда келажак бизларни кечирмайди, авлод-аждодларимизнинг қарғишларига қолиб кетамиз.

Рост, аҳволимизни осон деб бўлмайди. Озодлик йўлини танлаган ҳар кимнинг бошига муқаррар тўшамак қийинчиликларга дуч келаяпти. Лекин, шахсан мен уларни нисбий қийинчиликлар, деб атаган бўлардим. Негаки, эндигина мустақиллик шариоитидан чиқиб турибмиз. Табиийки, турар жойларимиз, турмуш тарзимиз ҳам шунга яраша — ношукр эмасмиз. Табиийки, кўпчилигимизнинг кечаги кун қолипи билан чегараланган ўқуви, малакасида буткул қўрилиб кетганимиз йўқ ва турган гап, ҳаммамиз дабдуростдан, дарҳол қононалари, кимхобу парчаланиш талаб қилмайдиган бўлса — аҳволимиз оғир. Йўқ, қалтис вазиятлардан омон чиқиб олганимизга шукур деб, овоз кунларнинг қадрига етиб, тоқат қилсақ, нафсимизни тийсақ, назаримизни тўқ тўтсақ — ҳеч қандай қийинчилик йўқ. Ҳеч ким оч қолгани йўқ ва қолмайди: ҳеч ким бошпанасиз қолгани йўқ ва қолмайди ҳам ва энг асосийси, ҳеч кимнинг қони тўқилгани йўқ ва тўқилмайди ҳам. Ҳукуматимиз бунга қафил.

Инсон равнақи жамият равнақи демакдир. Инсон илдиз отиши, қамол топиши учун эса нималар керак? Энг аввало ва биринчи гада эрк, ер-сув, сўнгра тил-забон. Яна — соғлом ирсият, соғлом насл. Қолган ҳамма шартлар иқлимлаштириш, ҳар инсоннинг ўз ҳаваси, ўз ҳафсаласига боғлиқ гаплар. Шу маънода Ҳукуматимизнинг мустақилликка доир, ерга, она тилига оид дастлабки фармонлари, авлодлар саломатлиги, маҳаллалар ҳаётига, маънавиятга тааллуқли қарорлари ва уларнинг тадрижи чўқур рақийли маънога эга. Улар жамлашиб, жамият тараққиётининг ҳуқуқий ва маънавий асосларини тўла таъмин этади.

Чин ўзбекона тафаккур билан Ҳукуматимиз бош мақсад этиб буюк давлат ва давлатчиликни қуришни белгилаган экан, айни мўдда. Бунинг учун барча омилар бизда мавжуд. Қўл-оёғи бут, уяги меҳнатда қотган забардаст халқимиз. Ўша қурилажак буюк давлатни улғур қасрга қийинчилик бўлсақ, унинг учун муқташам мустақкам бир донга гишти қўйиш ҳар биримизнинг қўлимиздан бемалол келади. Бунинг устига жаммики бойликларга қон олтин тўпроғимиз, бепеён ўлкамиз бор. Биз то қафасдан чиққунча гоят тараққий этган кенг жаҳон биз учун битмас-туганмас тажриба мактаби, унинг ҳар гўшаси эса мукамал дарслик, тиним билмай ўқиб-ўргансақ, ўсиб-ўлғайсақ, меҳнат қилсақ, кўп ўтмай, жаҳон миллатлари сафидан ўзимизнинг ҳақли ўрнимизни эгаллашимиз шубҳасиз. Интилганларга толе хамиша ёр бўлади.

Инсон яралибдики, машаққатлари, азоб-уқубатларидан қатъи назар, фақат эркини, озодлигини қўмсайди, бу йўлда ҳеч нарсадан тоймайди, ҳатто жондан ҳам кечади. Бугун биз тўқнашаётган қийинчиликлар шубҳасиз ҳурриятнинг беҳато аломатлари. Қолаверса, қийинчиликларнинг ўзи тирикликнинг зарурий шартидир, зеро, тўқсиларни енгиб, зиддиятларда чиниқиб, курашларда тобланиб, инсон инсон бўлган.

Бугун ўзлимизни англаётган, ўзбекчиликка тимсол қидираётган бир пайтимизда хаёл бизларни Темирийул ёки Навоийлар замонарига олиб кетиб қўляпти. Шу бугунги дунёқарашимиз, савиямиз, турмушимиз билан биз ўзбек миллатининг энг шавкатли даврларини қўмсайпмиз. Сўз йўқ, биз жаҳоннинг йирик миллатларидан бирининг авлодимиз ва лоқал шу сифатида юксакроқ чўқиларни нишонга олишга маънавий ҳаққимиз бор. Бирок унутмаслигимиз керакки, ўзбек жаҳонга донг таратган ўша қутлуқ асрларда эркак эркакчилигини, аёл аёлчилигини қилган, юрт ва юртдошлари, оила ва оиладошлари олдига ҳар ким ўз бурчини беҳаму қўст ўтаган.

Холбуки, XX аср ўзбек учун оғир келди. Юртимизда табиатимизга тамоман ёт бўлган ўзгача муҳит қарор топди. Утмиш мустақил тузум қурулари, ҳар хил одатлар, асоссиз тавку бўхтонлар, экологик таназзул халқимиз ирсиятига фалокатли таъсир қилди. Байроқ қилиб кўтарилган интернационализм кишиларнинг ўз миллати ва миллий қадриятларига нописандлик билан қарашларига олиб келди. Коллективизм ниқоби остида эса, бутун бир халқ аста-секин тўда унсурларига айланганлигини пайқамай ҳам қолдик.

Одам боласи қаҳрамон ёки зиёнқаш бўлиб туғилмайди. Яхшилик уруғи ҳам, ёмонлик уруғи ҳам унинг онгига оилада ташланади. Оила аъзолари таъсирида, оилада мавжуд тушунчалар таъсирида унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Зотан, оилавий турмушнинг асосий мазмуни ва бош мақсади — бола тарбиясидир.

Шу нуқтан назардан қараганда, болаликда етказилган ақлий, фикрий зиённи ке-

йинчилик ҳеч нима, ҳатто ўрта ва олий маълумот ҳам қоплаёلمаслиги бугун муғлақо аниқ. Хулоса қилиб айтганда, она ўрнини на муассаса, на тарбиячи боса олади.


Ҳаёт олдимишга тобора мураккаброқ талабларни қўймоқда. Келажакки бизнинг болаларимиз қуради. Бугунги кунимиз ворислари, эртанги кунимиз эгалари — ўшалар. Шунинг учун болалар тарбиясини истиқбол кишилари тарбияси деса бўлади. Бундай тарбия эса, инсоннинг ҳар томонлама тақомилини, маънавий хислатларининг тараққиётини, истеъдодларининг равнақини назарда тутиши керак. Дастлабки қадамлариданоқ ёш мустақил давлатимизнинг болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатганининг боиси шу. Ёш авлод тарбияси масалалари ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб, муайян тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Агар биз фуқаролар ҳам шу руҳда яқдил ва ҳамжихат ҳаракат қилсақ, бу билан Ватанимиз эртаси пойдеворини мустаҳкамлаган бўламиз.

Бундан ташқари, инсоннинг ҳар томонлама тақомилини, маънавий хислатларининг тараққиётини, истеъдодларининг равнақини назарда тутиши керак. Дастлабки қадамлариданоқ ёш мустақил давлатимизнинг болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатганининг боиси шу. Ёш авлод тарбияси масалалари ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб, муайян тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Агар биз фуқаролар ҳам шу руҳда яқдил ва ҳамжихат ҳаракат қилсақ, бу билан Ватанимиз эртаси пойдеворини мустаҳкамлаган бўламиз.

Барот БОЙҚОБИЛОВ

Ўзбекистон халқ шоири

ҲУРРИЯТ ВА РҲҲИЯТ



ЯНГИ АСР бўсағасида техника тараққиёти шарофати билан масофалар қисқариб, ақлаковат қарови тобора кенгайиб, поёнинчи йўқотиб бораётган бир пайтда инсон тафаккури, инсон маънавияти аҳамияти ҳар қачонгидан юксакроқ. Ва лоқал давр, атроф-муҳит тақозоси билан одам ўз устида қаттиқ ишлашга маҳкум. Биз ҳам қурадошлардан ортада қолмасдан, бой берилган имкониятларнинг ҳам ўрнини тўлатиш учун тақомил сари интилишга мажбуримиз.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, қолоқликни қолоқлик тарқатади, мукамилликка эса ўзи қомил бўлган инсон даврат этиши мумкин. Зеро, зар қадрини зарғар билади. Зиммасида сон-саноксиз, бир-бирдан мураккаб вазиятлар, йиғирма икки миллионли улкан рўзгор ташвишлари тургани ҳолда, ўз устида тинимсиз ишлаб, кўз ўнгимизда қисқа вақт ичиде дунёвий қўлам ва мавке касб эта олган давлатимиз раҳбарининг биздан ҳам худди ана шундай фидойи ҳаракат талаб этишига маънавий ҳаққи бор.

«Соғлом таңда — соғ ақл» деган ақида ва унинг мантикий давоми сифатида жисмоний машқлар, бадан тарбияси зарурати ҳақидаги насихатлар ҳаммамизнинг ёдимизда. Лекин, ақл ҳам, фикр ҳам мунтазам машқларга, мутасил парварлишга муҳтожлиги ҳақидаги бирорта ҳўяли тавсияни шахсан мен эслаёлмайман. Холбуки, ҳатто бадан мушаги ҳам биринчи ой ҳаракатланмас — тамоман яроқсиз ҳолга келади, бирок бадан, ҳар қалай, умрбўйи тарбия этилиши мумкин. Ақлнинг, тўғма қобилиятларнинг эса, очилиши ва шаклланиши мўддатлари чекланган, жуда қисқа. Вақти-соати ўтгандан кейин ҳеч бир иложи йўқ, экишга экиб кейин қаровсиз ташлаб қўйилган ноёб ўсимликдай нобуд бўлади. Фикри очилмай қотиб қолган одам билан етук, заковатли кишининг ўртасида еру осмонча тафовут бор. Бири ерда бўлса, иккинчиси бамисоли тоғ чўққисиде туради. Зотан, инсоният келажак тараққиёти қалити айни ўша қийинчилик турганларда. Албатта, чўққиларни забт этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, лекин тирикчи ҳон шунга интилиши керак. Поғона-ма-поғона, босқичма-босқич фақат юқорига, фақат юксакларга интилиши керак. Замон биздан айнан шундай ҳаракатни тақозо этмоқда.

Атоқли австрия ёзувчиси Элиас Канетиннинг бутун дунёда машҳур бўлса номаълум бўлиб келган «Омма ва хокимият» номли китобида қай тарзда фуқаролар ўзларининг шахсиятига хос алоҳида ҳусусиятларидан маҳрум этилиб галага, тўдага, гуруҳга уюштирилиши жараёни тадқиқ этилган. Ундаги хулосаларга қараб, ноёб муҳитда иродаси бўш одам бир кун келиб, барибир обрўманд бирор таянч ахтаришга мажбур бўлади. Бирок, китобда ҳар қалай мавкеи мустаҳкам, ўз қадр-қиммати тўла англаган кишилар тоифаси қаламга олинган, фақат тўдага сингишгандан сўнггина улардан мустақил шахсга хос фарқ аломатлари бора-бора сўниб бориши ишонлари этиб тасвирланган.

Таҳминан шундай усуллар билан бизда собиқ совет тузумининг дастлабки қадамлариданоқ инсонларда айни ўша ўзига хослик ҳусусиятлари емирлига бошланди.

Маълумки, бўйин қисқик, хокисор ҳолат ҳеч қачон ижобий натижа бермайди, бир дунё

кусур ва иллатларни вужудга келтиради. Шу йўриқдаги камчиликлар очик-ойдин кўзга ташланганда, биз бу ҳолни маълумот этишмаслигидан деб тушуниб, ҳаммамиз — каттамузу кичигимиз ўзимизни илгма урдик. Мана энди бугун кенг жаҳон билан бевосита мулоқотлардан кейин, назаримизда, англаб етдик: одам бўлиш учун маълумот кам. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида таъкидланган қуйидаги сўзлари келтириш айни мўдда: «СССРнинг сояси собиқ иттифок минтақасидан ҳали бери бутунлай кўтарилган эмас ва буни биз доимо инобатга олишимиз, хамиша сергак ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Шу сабабли, биз мустақиллигимизни қандай қийинчиликлар билан, қандай синов ва суронли курашлар билан қўлга киритганимизни бугун яна бир бор эслашимиз ўриналиди».

Умуман олганда, қай соҳани олмайлик, биз орттирган тушунчалар, сабоқлар жиддий тахрир талаб этмоқда. Чунки, муттасил тахрирлар, таъйиқлар остида, ғайримиллат, ғайридин ақидалар таъсирида шаклланган инсон озод илгор муҳитга ҳеч бир томондан тўғри келмайди. Биз тенглик тарафдорлари ва тартиботчилари эдик, байналмилалчилигимиздан

оламда қанча одам ёки воқеа-ҳодиса бўлса — улар билан боғлиқ масалалар ҳам худди шунча. Айни маънавий кўрсаткичлар ҳаёт мазмунининг, турмуш моҳиятининг одамийлик маъносининг бош мезони бўлиб хизмат қилади. Зотан, янги тарихий вазиятда кечаги кундан қолган кенг тушунчаларимиз, собиқ совет тузумидан олиб чиқилган маънавий ботимимиз бугунги том маънодаги инқилобий талабларга мувофиқ жавоб бермаслиги равшан. Шу нуқтан назардан баҳолайдиган бўлса — маънавиятимиз қайтадан шакллантиришга муҳтож. Шу йўналишдаги ҳаракат жамиятимизда бошланди ва бу жараён тўхташи қийин, холбуки, турмушимизда мустаҳкам ўрин олган бозор шариоитида, унинг метин, шафқатсиз исканжасида дастлабки босқичларида маънавий талаблари бозор қонунчиликларига зид келиши, шу асосда ҳар турли зиддиятлар, қийинчиликлар турғилиши мумкин. Лекин, барча мушкулотлардан қатъи назар, бу бирдан бир тўғри йўл, ҳаёт йўли, истиқбол йўли.

Ҳар қандай соғлом жамиятда инсонларнинг шундай тоифаси бўладики, улар ишлаб чиқариш билан эмас, савдо-сотик ишлари билан эмас, балки, маънавият билан, инсон руҳияти масалалари билан шуғулланадилар. Юзак қараганда, уларнинг қарағи йўқдай туюлади.

Истиқлол бадилари

шундай шафқатсиз, маҳкум муҳитда биз ўз йўлимизни топа билдик ва дастлабки энг мураккаб, энг масъул қадамларни қонсиз, қурбонсиз, таянчсиз, ўз оёғимиз ва ўқувимиз билан қўя олдикки, бу қисқа — атиги ўн икки йиллик мустақил даврда биз эришган энг олий ютуқ, биз ўтган энг юксак синовдир.

Ватан остонадан бошланган каби озодлик ҳам ҳар кишининг изму иктирибидан яралади. Озодлик тушунчасининг ўзи ҳар кимнинг ўз-ўзига ҳаракат қилиш имкониятларини билдиради, унинг асоратдан, тазйиқлардан холилигини назарда тутаяди. Шу нуқтан назардан қараганда, озодликка хос жамки шарурий шарт ва шариоитлар бизда таъин этилган, унинг сиртки аломатлари таъин ҳаммаси мавжуд. Қолган исму турмушлари ҳар биримизнинг инсофимиз, диёнати-мизга ҳаволаидир.

Ўзбек азалдан ўз юртининг, ўз миллатининг, ўз орад-отларининг фидойисини бўлган, ўзга юртлардан бахту иқбол қидиришни халғига ҳам келтирмаган. Балки шу сабабдандир ўзимизнинг қадимий ўзбекона қадриятлар, асл миллий меросларимиз барча фалокат ва синовларга дош бериб бизгача етиб келди. Агар биз янги давр тақозоси билан етмиш йил давомида бўлгани каби яна улардан чекиниб, яна ўзгача расму-умурларни ўзлаштиришга киришсақ, «ёвдан қочиб яшига учраган», себисий, маънавий йўриқларига бир тур асоратдан қўтилиб, ундан ҳам хунқуқроқ моддий асирликка тушган бўламиз. Жаҳон айвонида эса, номсиз, нишонсиз одамлар сингари энг охириги ўринларга сурилиб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Холбуки, бизларнинг ҳам ўзимизга яраша озми-кўпми нафсониятимиз, обрў-эътиборимиз бор. Айтмоқчиманки, хорих ҳашаматларига нафсимиз пўқиллаб турса ҳам, ориятимизни сақласак, қаддимизни тик тутсақ, аксинча ана шундай ҳаётни яратиш учун курашсак, ҳаракат қилсак, пировард-оқибатда фақат ютамиз.

БУ ДУНЁДА ҳеч ким, ҳеч кимнинг ўрнини боса олмайди. Ҳар ким ёруғ жаҳонга ўз ўрни, ўз вазифалари билан келади. Бирок ҳақон ўтмишни қўмсаб юрган айрим даврдошларимизнинг бу ҳақда ўй-мулоҳаза юритишга майли ҳам йўқ. Холбуки, ҳаёт инсонга бир марта берилади. Бунинг устига умр ҳам қисқагина. Буюк алломалардан бирининг таъбирича «ҳар ким дунёга қоралама нусхада туғилади ва шартли равишда инсон деб аталади, бу номга чинакамга сазовор бўлиш ҳали олдинда».

Бизнинг аждодларимиз бу номни том маънода оқлаганлар. Улар муқаддас қонларини тўқиб, азиз жонларини фидо қилиб, юртимизни омон сақлаганларки, биз миллат сифатида шу кунларгача етиб келдик. Энди тарих силсиласининг ўзрилиб қолган халқларини тиклаш, миллатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўйиш, балки янги сифатлар ҳам очиб навбати бизнинг зиммамизда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ғайри муҳитдан чиққанлигимиз бизларни асло ҳижолат қилмаслиги керак, негаки, биринчидан фожели қисмат айб эмас, иккинчидан, миллатимизнинг ғадлатлари, хатолари учун ҳар биримиз ўз шахсий тоғовимизни тўлаб улгурдик. Жаҳон олдига бизларнинг юзимиз ёруғ.

Бугун Ўзбекистон заминига умидли замоналар келди. Мозий қарийдан келиб чиққан юртимизнинг тарихий йўли асрлар билан ўлчанаяди. Бирок ўша асрлар давомида ҳеч инқилобий воқеалар шу бугунгидек кўп кечган эмас. Орзу-армонлар ушалиши учун қудай фурсатлар ҳар бир вақт шу бугунгидек қўл келган эмас. Бугун энг аввало ўзбек кишининг хатти-ҳаракатида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбек кишида тақоман янги қўламли дунёқараш шаклланаётган. Бу, назаримизда, миллат эгаллаб турган тарихий мавке ва миллат олдига турган жаҳоншумул вазифалардан келиб чиққан қарашлардир.

Мутахассислар хулосаларига қўра, мустақил тартибдотдан кейин сўксат мавридиде келар эмиш. Бирок, энг муҳиммас себисий тузум яратилганда ҳам, энг аввало иқтисодий дастурлар ишлаб чиқилганда ҳам, маънавий пойдевор мустаҳкам бўлмаса, яъни оддий кишиларнинг руҳияти паст, кайфияти ёмон бўлса — жиддий ўзгаришлар яшаш мумкин. Чунки, сийсатда қалтис вазиятлар кўп вужудга келади, бирок ирода шиддатти, руҳ матонати билан ҳар қандай англашил-мовчиликлар бартараф этилиши мумкин. Моддий қийинчиликларга йўлиқиб, уларни енгиб чиқаятган давлатларнинг ҳам сон-саногии йўқ.

Минг қайта шукурки, миллатимизнинг маънавий бисоти гоят бой ва қадим, ижодий имкониятлари эса беқийсодир. Улар шарофати билан биз бугуннинг ўзида жаҳоннинг етук, илгор инсонлари сафарида туришга ҳаққимиз. Ва ҳали-ҳозир буюқлар жумласида саналмасак-да, ниятларимизнинг холислиги, фазилатларимизнинг эзгулиги жиҳатидан шу йўлга қадам қўйганимиз.

Ҳақиқатан ҳаётимизнинг шу бугунги босқичида — яхшимиз, ёмонимиз — бундан қатъи назар биз ўзимизнинг аҳволимиз ва мақсадларимизга яраша, ўзимизга муносиб йўлни танлаганимиз. Бу оғир, лекин, шарафли йўл, негаки, бугун каби эртага ҳам улкан фидойиликни, машаққатли меҳнатни талаб этади. Сабаби — Бир замонда, бир қуррада яшаганимиз билан биз ва бутун жаҳон ўртасида хали катта тафовут бор. Энг аввало мафкура, маънавият соҳаларида. Зотан, ўзбек кишининг ички дунёси юксак мафкуравий ва инсоний гоғлар билан сугорилган, гоят таян, ноқий тимсоллар таъсирида шаклланди. Зеро, мустақиллақчилик исканжасидан чиққанлигимизга қарамастан, илму маърифат миллатимизнинг фарқи ҳусусиятига, маънавий кўрсаткичларидан билари айланади.

Юнон файласуфи Арасту қадим-қадимларда давлат тузумининг мақсади «ажойиб ҳаёт» деган таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, қолоқ кишини ҳаёт шариоитида тасаввур қилиш мумкин бўлмагани каби, етук мукамал инсоннинг ҳам паст турмуш муҳитида тасаввур қилиш қийин. Табиийки, бизлар жаҳон ҳақондада эгалланган ўрнимизни янада мустаҳкамламоқчи бўлсак бизнинг ҳаётимиз ва биринчи галда ўз-ўзимизни шу эзгу ишларга сафарбар этмоғимиз керак. Чет элларда бизларни яхши маъноларда таний олишлари учун эмас, ўз-ўзимиз учун, ўз тараққиётимиз, истиқболимиз учун. Бизга нону тўз берган, ер юзидеги шу ҳаёт йўлини бизларга раво қўрган наслларга мансублигимизни оқлашимиз учун. Ватанимиз учун!

